

# Кузги бўғдойнинг янги “Орол” навининг бирламчи уруғчилиги

Бисенбай Арэпович Бекбанов

ORCID: 0000-0003-0881-3009

Оракбай Нагиметов

ORCID: 0000-0002-8782-3901

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

Гулбаниу Маратовна Джулдасова

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

**Аннотация:** Мақолада кузги бўғдойнинг янги навини бирламчи уруғчилиги бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ўрганилаётган ойлаларнинг махсулдорлик кўрсаткичлари, вегетация даври, туплаш коэффициенти, хосилдорлик кўрсаткичлари ва унга таъсир қилувчи омиллар атрофлича баҳолашиб, энг яхши ойлалар танлаб олиниб, иккинчи йилги авлодларни синаш кучатзорига утказилган.

**Калит сўзлар:** нав, экстремал шароит, континентал климат, совуққа чидамлилиқ, махсулдорлик, уруғ, супер элита, элита, авлодларни синаш кучатзори

## Primary breeding of the new winter wheat variety “Orol”

Bisenbai Arepovich Bekbanov

ORCID: 0000-0003-0881-3009

Orakbai Nagimetov

ORCID: 0000-0002-8782-3901

Karakalpakstan Research Institute of Agriculture

Gulbanu Maratovna Dzhuldasova

Karakalpakstan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

**Abstract:** The article presents the results of a study ,on primary seed production of a new variety of winter wheat. Families were evaluated according to productivity indicators, the growing season, the tillering coefficient and factors influencing these properties, and the best families for the nursery testing the offspring of the second year were identified.

**Keywords:** variety, extreme conditions, continental climate, frost resistance, productivity, seeds, super elite, elite, nursery testing offspring

Кириш. Кейинги йилларда об-ҳаво ва иқлимни ўзгартириб бораётганлиги, республика ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитларига мос бошоқли дон экинларини серҳосил, эрта пишар, совуққа бардошли, шурга, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамли, дон сифати юқори бўлган навларни яратишни ва яратилган навларни бирламчи уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш орқали, ғалла етиштирувчи хўжаликларни юқори авлодли, сифатли уруғликлар билан таъминлаш борасидаги илмий ишларни изшил давом эттиришни тақозо этади. Республикаимизнинг ўзгарувчан ва мураккаб тупроқ-иқлим шароитида, маҳаллий шароитларга мос, серҳосил, дон сифати юқори, қишқи совуққа бардошли бошоқли дон экинлари навларини – уруғчилигини ривожлантириш, бугинги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

Ғалла экинларидан юқори ҳосил етиштириш учун, тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, минтақа шароитларига мос, барқарор ҳосил берадиган, сифат кўрсаткичлари юқори навларни танлаш ва жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳарқандай қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ҳосилдорликни оширишда муҳим рол ўйнайди. Навларни катта майдонларга жорий қилишнинг асосий омили - бу уруғчилик тизимини яхши йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Бу бўйича изланишлар олиб борган олимларнинг таъкидлашича:

Кузги бугдой навларини қишга чидамлик хусусияти жуда катта аҳамиятга эга, чунки улар қишлаш пайтида жуда куп, айрим вақтларда бутунлай нобуд бўлиб кетади [1].

Биринчи йилги бўғинларни синаш питомникларига кўпинча мингга яқин (300 тадан кам бўлмаган) энг яхши авлодлар экилади. Авлодларнинг сони уларни асосий миқдор белгилари бўйича таққосланаётганда пухта баҳолашга имкон берадиган бўлиши керак [2].

Яхши навларни экиш ҳисобига қўшимча ҳеч қандай меҳнатсиз, ортиқча сарф харажат қилмасдан ҳосилдорликни кескин кўтариш мумкин [3].

Бир хил репродукцияли бугдой уруғи ҳар хил зонада ва ҳар хил агротехника шароитида етиштирилганда, ҳосилдорликнинг ҳар хил бўлиши, шу уруғ битта зонада бир хил агротехника шароитида экиб етиштирилганда эса, иккинчи йилдан бошлаб ҳосилдорликда деярли фарқ булмаслиги аниқланган. Ҳарбир ўсимлик учун озикланиш майдони 10 см<sup>2</sup> бўлганда, уруғликнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлганлигин таъкидлайди [4].

Уруғчилик - қишлоқ хўжалигининг бир тармоғи бўлиб, парвариш қилинаётган навларнинг софлигини, биологик ва хўжалик қимматли сифатларини сақлаган ҳолда, уларни оммавий купайтириш билан шуғулланади [5].

Материаллар ва услублар. 2024 йилги танлаш йўли билан таёрланган 1000 та бошоқ лабораторияда таҳлил қилинди. Танлаб олинган бошоқлар, биринчи йилги авлодларни синаш кучатзорига ҳар бир бошоқ 1ойла этиб экилди. Экилган ойлаларнинг усув даврида, қўйидаги кузатув ва изланишлар олиб борилди.



“Орол” навини биринчи йилги авлодларини синаш кучатзори

Ўсимликларнинг кўкариб чиқиш вақти, тўпланиш вақти ва коэффиценти, найчалаш, бошоқлаш, гуллаш ва пишиш даврларига кўзатув олиб борилди. Қишқи тиним даврига кетишдан олдин ойлалардаги ўсимлик сони саналиб, келгуси йили эрта баҳорда майсалар тўлиқ кўринганнан кейин, қайта санокдан ўтказилиб, совуқдан зарарланиш даражаси аниқланди. Тажриба даласида бўғдой бошоқлаганда ва мум пишиш даврида бошқа тур ва нав аралашмаларидан тозалаш ишлари олиб борилди. Дала кўригини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш орқали аралашмалардан тозаланиб, навга хос бўлмаган ўсимликлар чиқитга чиқарилди.

Натижалар ва мунозара. Янги навларнинг бирламчи уруғчилигини олиб боришда, уларни қўйидаги кўсаткичларига эътибор қаратилди. Маҳсулдорлик ва тез пишарлик, қишқи совуққа чидамлилиқ, касаллик ва зараркунандаларга бардошлилик, ўсимликнинг ётиб қолишига чидамлилиги, ҳосил сифати ва бошқа да асосий кўрсаткишлари ҳисобга олинди. Намуналарни маҳсулдорлик бўйича танлаб олишда, йирик бошоқли ўсимлик, ўрта бошоқли маҳсулдор тўпланиш ва дон йириклигига эътибор қаратилди. Ўсимликнинг маҳсулдорлигини ташкил этувчи элементлар: бошоқдаги донлар сони, битта бошоқдаги дон вазни, 1000 дон дон вазни ҳисобланади. Намуналар бошоқдаги дон сонига қараб танланадиган бўлса, сермаҳсул намуналарни танлаб олиш имконияти юқори бўлади. Бу кўрсаткич навнинг генетик имкониятларига, ҳамда ўсимлик ўстириладиган ташқи муҳит омилларига ҳам боғлиқдир.

Ўрганилаётган ойлаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари, вегетация даври, туплаш коэффиценти, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва унга таъсир

қилувчи омиллар атрофлича баҳоланиб, энг яхши ойлалар танлаб олинди. Тажрибада буғдой ҳосилдорлигига ва дон сифатига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, юқори курсаткичга эга ойлаларни дала ва лаборатория таҳлили асосида аниқлаб, 255 та оила иккинчи йилги авлодларни синаш кучатзорига ўтказилди. Иккинчи йилги авлодларни синаш кучатзорига утказилган ойлалардаги ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги "Орол" навида 94,8 фоизни ташкил этди.

Хўлосалар. Экилган оилалар бошоқлаш ва мум пишиш даврларида ҳар тарафлама ўсимликларнинг кўриниши, бошоқлаш муддати, бошоқ ва ўсимлик барглари рағи ҳамда бошоқ кўрсаткичлари атрофлича баҳоланиб, ривожланишдан орқада қолган 8 та, бошоқ хил ўсимликлар аралашган 12 та, баргнинг формаси бўйича 6 та, зараркундалар билан зарарланган 4 та, бошоқлаш муддати бўйича 6 та оила ва морфобиологик белгилари бўйича 5 та, ҳосилдорлик бўйича 4 та жами 45 та оила яроқсиз деб топилиб, тажриба майдонидан ўриб чиқариб ташланди.

Натижада навдорлик даражаси "Орол" навида 92.2 фоизга етказилди. Бу, тадқиқотнинг биринчи йилида эришилган натижа.

Дала кўригини сифатли утказиш натижасида, навдорликни сақлаб ва яқшилаб бориш орқали, юқори авлодли уруғлик таёрлаш йўлга қўйилади ва тадқиқотнинг учинчи йилига келиб, навдорлик камида 99,7 фоизга етказилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аманов А., Зиядуллаев З., Аманов О., Узақов Ғ., Абдуазимов А. Кузги бошоқли дон экинлари уруғларини сифатли тайёрлаш, экиш ҳамда кузги парваришlash бўйича тавсиянома. "Насаф" – Қарши. 2014 йил. – Б. 17-21.
2. Абдукаримов Д.Т. Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги. Тошкент. 2002.
3. Губанов Я.В., Потеха Н.Г., Кузнецов И.А., Тарасенко Б.И., Носов П.В., Серебряков А.И. Агротехника озимой пшеницы. – М.: Колос, 1987. – Б. 240.
4. Курбанов Г.К., Шамсутдинов Ш.И. Донли экинлар уруғчилиги ва уруғшунослиги. Тошкент, 2003.
5. Тухсинов М., Асронов А., Отахонов Н. Дала экинлари уруғчилиги ва уруғшунослиги. "Фарғона" нашриёти, 1999 й. 208 б.